



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT TUMANI HOKIMINING QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 29 - IYAN

1634 -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Матназаров Усман Тўхтабаевичга Боғот тумани “Боғзор” маҳалласи ҳудудига вақтинча енгил конструкцияли “Континер” ўрнатишга рухсат бериш тўғрисида.

Боғот тумани “Боғзор” маҳалласида яшовчи фуқаро Матназаров Усман Тўхтабаевичнинг “Боғзор” маҳалласи ҳудудига вақтинча (12,0x2,8) 33,6 квадрат метр ўлчамдаги “Континер” ўрнатишга рухсат беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 1 январдаги ШЯ-М-91-сонли аризасини, туман Архитектура ва қурилиш бўлимининг 2021 йил 18 январдаги 18-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 10, 25-моддаларига, “Ер кодекси”нинг 62-моддасига асосланиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Боғзор” маҳалласида яшовчи фуқаро Матназаров Усман Тўхтабаевичга “Боғзор” маҳалласи ҳудудига (12,0x2,8) 33,6 квадрат метр ўлчамдаги енгил конструкцияли “Континер”ни вақтинча 1 (бир) йил муддатга ўрнатишга рухсат қилинсин.

2. Фуқаро Матназаров Усман Тўхтабаевични “Боғзор” маҳалласи ҳудудига вақтинча (12,0x2,8) 33,6 квадрат метр ўлчамдаги енгил конструкцияли “Континер” ўрнатилиши учун ажратиб берилган ер майдонидан мақсадли фойдаланмаганда ёки ажратиб берилган ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширилганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддасига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбонов)га фуқаро Матназаров Усман Тўхтабаевич “Боғзор” маҳалласи ҳудудига вақтинча (12,0x2,8) 33,6 квадрат метр ўлчамдаги енгил конструкцияли “Континер” ўрнатилиши учун ер майдонини белгилаб бериш вазифаси топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Қуръязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи

Ш.Яхшибаев